



Савол:

Хозирги пайтда баъзи биродорлар жума намозига бориshmаяпти. Сабабини сўрасам масжидларда хакка дават килинмаяпти дейишди. Ман фарзку ахир дейишдан узокка ўтолмадим ва мендан илмлирок биродорлардан сўрашликни илтимос килишди. Сизлардан илтимос шу саволга жавоб берсангиз, иншааллоҳ биргаликда шу биродарга хакни билдиришиликка сабабчи бўлсак. Сизларга Аллоҳдан тавфик сўрайман.

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллохи ва барокатух. Дин йўлида биродарларингиз учун куйинишингиз жуда гўзал сифат, Аллоҳ сизни яхшиликларга муваффак айласин.

Биродар, сиз уларга жума факат хутбаси учун эмас, умуман фарз эканлигини айтинг. Жуманинг тарқ килиш учун маҳсус узрлар бор уларни уламолар китобларида зикр килганлар, улар айтиётган нарса мазкур узрлар каторига кирмайди. Пайгамбар соллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: “кимки сусткашлиқ килиб уч жумани тарқ килса Аллоҳ унинг калбини муҳрлаб кўяди” (Абу Довуд, Термизий ва бошқалар ривояти). Ибн Масъуд ривоят килган хадисда расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: “Бир кишини одамларга (имом бўлиб) намоз ўкишга буюрсаму кейин жума намозини тарқ килаётган кимсаларнинг уйларини ёкиб юборсам” дедилар. (Имом Муслим ва Ахмад ривояти). Булардан бошка хам жуманинг вожиблигига ва ундан колишнинг каттиқ гунохлигига далолат килувчи хадислар бор.

Имомга иктидо килишдан тўсадиган нарса унинг ширкий ёки куфрий бидъатининг бўлишилигидир. Агар имом бидъатчи бўлсаю унинг



Ислом Нури

бидъати бу даражада бўлмаса унинг оркасида намоз ўкиса бўлаверади.
Валлоху аълам.